



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРОКУРАТУРАСИ  
ФАГОНА ВИЛОЯТИ  
ОЛТИАРИҚ ТУМАНИ ПРОКУРАТУРАСИ

Олтиариқ тумани Олтиариқ ш. Ўзбекистон кўчаси 64 уй  
« 20 » март 2004 йил  
№ 24- 04 .

«Ўт юраклар» клуби  
нодавлат ташкилоти  
вакили

М.Мусурмонқуловга

О Г О Ҳ Л А Н Т И Р У В

Қонун бузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик хусусида

Олтиариқ туман прокуратураси томонидан Сиз ва «Ўт юраклар» клуби нодавлат ташкилотининг бошқа аъзоларини куча намойиши ва митинг ўтказиш ҳақидаги аризангиз текширилди.

Текшириш давомида, Сиз ва «Ўт юраклар» клуби нодавлат ташкилотининг бир гуруҳ аъзолари туман хокимлигидан белгиланган тартибда рухсатнома олмасдан, митинг ва куча намойиши ўтказмоқчи эканлигингиз аниқланган.

Туман хокимлигидан белгиланган тартибда рухсатнома олмасдан, ноқонуний равишда митинг ва куча намойиши ўтказилиши фуқароларнинг кундалик турмуш шароитига, фуқароларнинг сиёсий дунёқаришига салбий таъсир кўрсатиб, ҳақли норозилклар келтириб чиқармоқда, юқори идораларга ариза ва шикоятлар юборилишига сабаб бўлиш билан бирга туманда ижтимоий сиёсий барқарорликни таъминланишига жиддий зиён етказиши мумкин.

Шу сабабли келгусида туман хокимлигидан белгиланган тартибда рухсатнома олган ҳолда митинг ва куча намойиши ўтказиш чораларини кўрмасдан, митинг ва куча гамойиши ўтказиш тартибини бузсангиз, давлат ва жамиятнинг қонуний манфатларига жиддий ҳарар етишини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикасининг «Прокуратура тўғрисида»ги Конунинг 42 моддасига асосан;

Келгусида зиммангиздаги бурчларни бажаришга совуқонлик ва масъулиятсизлик билан қараб, митинг ва куча намойиши ўтказиш тартибини бузсангиз, Ўзбекистон Республикаси МЖК.нинг 201 моддаси ёки ЖК.нинг 217 моддаси билан, оммавий тартибсизликларга йўл қўйган

тақдириңизда ЖК.нинг 244 моддаси билан жиноий жавобгарлика тортлишиңгиз ҳақида

О Г О Ҳ Л А Н Т И Р А М А Н.

Олтиариқ туман прокурори  
аддия маслахатчиси

 F.M.Умурзақов

«Танишиб чиқдим, эътиrozим йўқ. Менга митинг ва куча гамойиши ўтказиш тартибини бузганлик учун маъмурий ҳамда жиноий жавобгарлик тушунтирилди.

«Ўт юраклар» клуби нодавлат  
ташкилоти вакили

 M.Мусурмонқұлов